



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 15 » oktabr

№ 645

Toshkent sh.

### **Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органларининг фаолиятига рақамли ва ахборот технологияларини фаол жорий этиш, аҳолига электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларга йўл қўймаслик ҳамда идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2022 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) қуйидаги хизматлар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда кўрсатилади:

Ўзбекистон Республикасига чет давлат фуқаросини таклиф қилиш;  
чет давлат ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлаш бўйича тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар олиш;

судланганлик (судланмаганлик) ҳақидаги маълумотлар олиш;  
автотранспорт воситаларида тақиқ мавжудлигини текшириш;  
жазони ижро этиш муассасалари ва манзил колонияларда сақланаётганларни уларнинг яқин қариндошлари билан учрашув вақтини белгилаш.

б) ҳайдовчининг йўл-патрул хизмати инспекторига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлари ёнида бўлмаган тақдирда мазкур ҳужжатлар махсус планшет қурилмаси ёрдамида идентификация ID-картаси орқали текширилади.

Бунда, идентификация ID-картага эга фуқароларга тегишли транспорт воситаси ҳайдовчисидан янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини талаб қилиш амалиёти бекор қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Суғурта тўловларни кафолатлаш жамғармаси 2022 йил 1 февралга қадар:

суғурта ташкилотлари томонидан суғурта шартномалари тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот тизимига тўлиқ киритилишини таъминласин;

янги суғурта полисини ягона ахборот тизимига маълумотларни тўлиқ киритмасдан туриб шакллантириш имкониятини чекласин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини жорий этишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ички ишлар органларидаги рақамли инфратузилмасини ривожлантириш, мавжуд тизимларни модернизация қилиш, идоравий ахборот тизимлари ва маълумот базаларини ўзаро интеграция қилиш;

ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш, маълумотларни хавфсиз узатиш учун корпоратив тармоқни яратиш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш марказини ривожлантириш;

ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, мобил технологияларни қўллаган ҳолда аҳоли билан электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ички ишлар органларида қоғоз кўринишидаги иш юритувидан босқичма-босқич тўлиқ воз кечиш ҳамда ҳимояланган электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш.

Белгилансинки, чора-тадбирлар дастуридаги лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ички ишлар органлари ходимлари учун замонавий рақамли ва ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича шартнома асосида малака ошириш ўқув курсларини ташкил этувчи олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларни 2-иловага мувофиқ рўйхат асосида бириктириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ички ишлар органлари ходимларини замонавий рақамли ва ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича ўқитиш дастурлари ва ўқув графиклари ҳар йили 1 августга қадар ички ишлар бошқармалари кесимида тасдиқланади.

5. Ички ишлар органларида рақамли ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш учун масъул этиб Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Марказ) белгилансин.

Марказга қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ахборот технологияларини жорий этишда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

ички ишлар органларининг рақамли инфратузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш;

ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш;

ички ишлар органларининг телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва техник қўллаб-қувватлаш;

ички ишлар органларининг бизнес жараён ва IT-реинжинирингини ривожлантириш ва ушбу йўналишда халқаро тажрибани татбиқ этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда Марказга юклатилаётган қўшимча вазифаларни ҳисобга олиб, унинг янгиланган устави, тузилмаси ва штат жадвали тасдиқланиши ҳамда ахборот технологиялари йўналишидаги малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан электрон ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот тизимларини вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базалари билан интеграция қилиш бўйича режа-жадвал 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Н.С. Тураходжаев ички ишлар органларида рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда ушбу қарорда назарда тутилган лойиҳа ва тадбирлар сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул этиб белгилансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ва ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимига  
ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
<b>I. Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларини “Электрон ҳукумат” инфратузилмасига интеграцияси қилиш</b>				
1.	Ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг камида <b>80 фоизини 2023 йилгача электрон шаклга ўтказиш.</b>	1. Амалдаги давлат хизматларини соддалаштириш ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов натижасига кўра амалдаги давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил декабрь 2022 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги
2.	<b>2023 йилга қадар</b> Ички ишлар вазирлиги таркибидаги соҳаларнинг барча <b>ахборот тизимлари ва маълумот базаларини ўзаро интеграция қилиш.</b>	Интеграция қилиш режа-графикини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги
3.	<b>“Тезкор маълумотлар” ахборот тизимини “Электрон ҳукумат” платформаси билан интеграциясини таъминлаш</b> ва мавжуд маълумотлар базасига жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамини бириктириш.	1. Ички ишлар вазирлиги томонидан тегишли ахборот тизимини “Электрон ҳукумат” платформаси ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш учун техник ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ва хизматни Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш.	2021 йил декабрь 2022 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази
4.	Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Ўзбекистон ҳудудига <b>чет давлат фуқароларини хориждан таклиф қилиш</b> ва Ўзбекистон фуқароларининг <b>чет эл ҳудудида</b>	1. Ички ишлар вазирлиги томонидан тегишли ахборот тизимини Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш учун техник ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	<b>фуқароликни тасдиқлаш</b> бўйича тегишли ҳужжатлар ва маълумотномаларнинг олинисини электрон шаклга ўтказиш.	2. Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ва хизматни Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ишга тушириш.	2022 йил январь	
5.	Фуқароларга <b>судланганлик (судланмаганлик) ҳақидаги маълумотлар</b> Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали <b>реал вақт режимида</b> автоматик тарзда тақдим этиш хизматини жорий этиш.	1. Ички ишлар вазирлиги томонидан тегишли ахборот тизимини Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш учун техник ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ва хизматни Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ишга тушириш.	2021 йил декабрь  2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази
6.	<b>“Автомототранспорт ҳисоби”</b> тизимининг фуқароларнинг идентификация ID-картаси маълумотлар базаси билан <b>интеграциясини таъминлаш.</b>	Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини фуқароларнинг идентификация ID-картаси орқали аниқлаштириш учун зарур техник тадбирлар амалга ошириш.	2021 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги
<b>II. Ички ишлар вазирлигининг марказий маҳкамасида фаолиятига рақамли технологияларини кенг жорий этиш</b>				
<b>2.1. Рақамли инфратузилмани ривожлантириш</b>				
7.	Ички ишлар вазирлиги марказий маҳкамасида <b>Маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини</b> яратиб, унга тарқоқ ҳолда жойлашган барча ахборот тизимлари ва маълумот базаларини ўтказиш ҳамда <b>ягона интеграциялашган платформани</b> жорий этиш.	1. Махсус хоналарга сервер қурилмаларини ўрнатиш учун давлат стандартлари асосида муҳандислик инфратузилмасини яратиш.	2022 йил май	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги
		2. Тендер натижасига кўра сервер, тармоқ, маълумотларини сақлаш қурилмалари, виртуализация, маълумотлар базасини бошқариш ва бошқа дастурий таъминотларни харид қилиш.	2022 йил декабрь	
		3. Сервер ва тармоқ қурилмаларини монтаж қилиш, дастурий таъминотларни созлаш ва барча ички ишлар органлари хизмати учун зарур бўлган платформаларни жорий қилиш.	2023 йил февраль	
		4. Мавжуд маълумотларни қайта ишлаш марказларини захиралаш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда интеграциялаш.	2023 йил март	

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
		5. Ягона маълумотларни қайта ишлаш марказини синов тарикасида ишга тушириш.	2023 йил март	
8.	Барча ички ишлар органлари ўртасида ўзаро <b>тезкор электрон ҳамкорликни амалга ошириш</b> , шунингдек, бошқа идоралар билан <b>юқори тезликда химояланган электрон ахборот алмашиш</b> имкониятини яратиш мақсадида ички ишлар органларида локал тармоқларини такомиллаштириш ва <b>ягона химояланган корпоратив тармоғини</b> яратиш.	<p>1. Тендер натижасига кўра локал тармоқ учун асосий ва бирламчи қурилмаларни харид қилиш.</p> <p>2. Жойларда локал тармоқ технологиялари қурилмаларини ва кабелларни ўрнатиш, монтаж қилиш ҳамда оптик толали алоқа тармоқларини жорий қилиш.</p> <p>3. Барча ички ишлар органлари маълумотлар узатиш тармоқларини ўзаро интеграция қилиш ва ягона химояланган корпоратив тармоқни ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2023 йил март</p> <p>2023 йил март</p>	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
9.	Маъмурий баённомани электрон тарзда шакллантириш, <b>қидирувдаги шахслар ва олиб қочилган транспорт воситалари ҳақида маълумотни реал вақт режимида олиш</b> каби қулайликлар яратиш учун Ички ишлар вазирлигининг <b>ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати</b> га 7 000 дона ва <b>патруль-пост хизмати</b> га 4 000 дона мобил планшет воситаларини харид қилиш.	<p>1. Тендер натижасига кўра мобил планшет воситаларини харид қилиш.</p> <p>2. Мобил планшетларни ички ишлар органларининг ахборот ресурсларига улаш. Бунда барча маълумотлар химояланган мобил тармоқ канали орқали узатилади.</p> <p>3. Мобил планшет воситаларини тасдиқдан ўтган меъёр асосида фойдаланишга топшириш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил май</p>	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги
10.	Жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаролар томонидан содир этилиши мумкин бўлган <b>ҳуқуқбузарликларни</b> , шу жумладан маҳкумлар ва вақтинча ушлаб турилган шахсларга нисбатан <b>ходимлар ҳаракатларини назорат қилиш</b> учун <b>патруль-пост хизмати</b> ходимларини <b>қўшимча 3 000 дона бодикамера</b> билан таъминлаш.	<p>1. Тендер натижасига кўра бодикамера воситаларини харид қилиш.</p> <p>2. Бодикамераларни ички ишлар органларининг ахборот ресурсларига улаш. Бунда барча маълумотлар химояланган мобил тармоқ канали орқали узатилади.</p> <p>3. Бодикамера воситаларини тасдиқдан ўтган меъёр асосида фойдаланишга топшириш.</p>	<p>2022 йил январь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил июнь</p>	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
11.	Жамоат тартибини сақлаш, профилактик ва тезкор тадбирлар давомида тезкор алоқани таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимларини қўшимча 16 000 дона рақамли радиоалоқа воситалари билан таъминлаш.	1. Ўрнатилган тартибда радиоалоқа тизимларини харид қилиш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги
		2. Худудлараро замонавий тармоқ технологияларини жорий қилиш ва соҳавий хизматлар фаолиятида зарур бўлган ягона радиоалоқа тармоғини шакллантириш.	2022 йил май	
		3. Радиоалоқа тизимларини тақсимланган меъёрга кўра худудлар кесимида фойдаланишга топшириш.	2022 йил май	
12.	Ички ишлар органлари Пробация хизмати назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиётини жорий этиш.	1. Электрон браслет бўйича техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2021 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги
		2. Лойиҳани белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.	2022 йил январь	
		3. Техник-иқтисодий ҳисобларни ишлаб чиқиш.	2022 йил март	
		4. Тендерларни ўтказиш.	2022 йил май	
		5. Электрон браслетларни харид қилиш ва хизмат фаолиятига татбиқ қилиш.	2022 йил июнь	
13.	Ички ишлар органлари Пробация хизматининг “Марказлашган электрон тизими”ни модернизация қилиш.	1. Ахборот тизимини такомиллаштиришни кўзда тутувчи техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
		2. Тизимни такомиллаштиришни кўзда тутувчи техник топшириқлар асосида янги функцияларни ишлаб чиқиш.	2022 йил май	
		3. Чекка худудлардаги ходимлар учун ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув семинарларини ташкил қилиш.	2022 йил май	
		4. Ахборот тизимларининг доимий равишда ишлашини таъминлаш мақсадида техник қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш.	йил давомида (доимий)	



Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
<b>2.2. Ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базасини жорий этиш ва мавжуд тизимларни модернизация қилиш</b>				
14.	Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида <b>жиноят ва ҳодисаларни рўйхатга олишнинг “102” автоматлаштирилган тизимини жорий этиш.</b>	1. Тегишли ҳудудларда сервер ва оператор хоналари ажратилиб, муҳандислик ишларини ва қурилма монтажини амалга ошириш.	2022 йил май	Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Кадастр агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
		2. Ҳудудларда “102” тизимини ишга тушириш ишларини тўлиқ якунлаш.	2022 йил август	
15.	Ички ишлар органларининг <b>“Е-Kadr” марказлашган автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий қилиш.</b>	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
		2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш.	2022 йил март	
		3. Тизимни синов тариқасида вазирликнинг марказий маҳкамасида ишга тушириш.	2022 йил май	
		4. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва тизимни барча ҳудудларда жорий этиш.	2022 йил август	
16.	Электрон тиббий карталар жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш, дори воситалари айланишини назорат қилиш, касалликлар динамикасини реал вақт режимида кузатиш ва тиббий хизмат кўрсатиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш мақсадида <b>“Е-Med” комплекс ахборот-таҳлилий тизимини жорий қилиш.</b>	1. Дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўртасида тендер савдоларини ўтказиш ва натижаларига кўра тизимни яратиш чораларини кўриш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги
		2. Ахборот тизимини яратиш ва Тиббиёт бошқармаси, Стоматологик поликлиника ҳамда Марказий поликлиника фаолиятида синов тариқасида ишга тушириш.	2022 йил март	
		3. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш.	2022 йил июнь	
17.	Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида маҳбуслар ҳаракатланиши, уларнинг ҳисобини реал вақт режимида юритиш ва олиб кирилиши/чиқилишини назорат қилиш мақсадида ички	1. Лойиҳаолди муҳандислик-тадқиқот ишларини амалга ошириш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Молия вазирлиги
		2. Ўтказилган муҳандислик-тадқиқот ишлари натижаларига кўра техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2022 йил март	



Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	ишлар органлари вақтинчалик сақлаш хибсхоналарининг назорат-мониторинги ахборот тизимини жорий қилиш ва манфаатдор идораларга улаш.	3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиб, синов тариқасида жорий қилиш.	2022 йил июнь	
		4. Ходимларни тизимдан фойдаланиш бўйича ўқитиш ва тизимни тўлиқ ишга тушириш.	2022 йил август	
18.	<b>Шахснинг геномига оид маълумотлари</b> автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш.	1. Геном ахборот тизими бўйича ягона автоматлаштирилган маълумотлар базасига аппарат-дастурий таъминоти бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
		2. Одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси ўтказишга мўлжалланган лаборатория қурилмалари рўйхатини шакллантириш ва техник топшириқ тайёрлаш.	2022 йил май	
		3. Одам ДНКсининг суд-биологик экспертизасини ўтказишга мўлжалланган лаборатория қурилмалари ва геном ахбороти бўйича ягона автоматлаштирилган маълумотлар базасига аппарат-дастурий таъминотини харид қилиш.	2022 йил август	
19.	Ички ишлар органларида ҳужжат алмашинувини автоматлаштириш, ҳужжатларнинг электрон архивини юритиш ва ижро ҳолатини назорат қилиш мақсадида ягона ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий қилиш.	1. Тендер натижаларига кўра комплекс дастурий таъминотларни харид қилиш.	2023 йил феврал	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
		2. Сервер ва тармоқ қурилмаларини ўрнатиш, монтаж қилиш ва дастурий таъминотни сошлаш.	2022 йил июль	
		3. Жойлардаги ишчи компьютерларни ушбу тизимга улаш.	2022 йил давомида	
		4. Ходимларни тизимдан фойдаланиш бўйича ўқитиш ва тизимни тўлиқ ишга тушириш.	2022 йил давомида	
<b>2.3. Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш</b>				
20.	Хизматга оид маълумотларни ички ишлар органларининг <b>корпоратив тармоғидан чиқиб кетишини олдини олиш</b> ва ходимларнинг ҳаракатлари <b>устидан ички назоратни амалга ошириш</b> бўйича мониторинг тизимини жорий этиш.	1. Ички ишлар вазирлигининг марказий маҳкамасида дастурий таъминот ва тегишли қурилмаларни харид қилиш ва ўрнатиш.	2022 йил май	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
		2. Худудий профилактика хизматининг бўлинмаларидаги мобил қурилмалар ва барча компьютерларни тизимга улаш.	2022 йил июнь	

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
21.	Ички ишлар органлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини <b>ахборот хавфсизлиги талаблари бўйича мониторинг қилиш</b> тизимини жорий қилиш.	1. Техник топшириқ ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминот яратиш ва мавжуд тизимлар билан интеграция қилиш. 3. Мониторинг тизимини тўлиқ ишга тушириш.	2022 йил март 2022 йил август 2023 йил март	Ички ишлар вазирлиги, Киберхавфсизлик маркази ДУК, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
22.	Ички ишлар органлари маълумотлар базаларидаги <b>шахсга доир маълумотлар ҳимоясини</b> таъминлаш.	1. Техник топшириқ ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминот яратиш ва жорий қилиш. 3. Маълумотларни ҳимоялаш воситаларини барча тегишли ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ишга тушириш.	2022 йил май 2022 йил сентябрь 2022 йил декабр	Ички ишлар вазирлиги, Киберхавфсизлик маркази ДУК, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
23.	Ички ишлар органлари маълумотлар узатиш тармоқлари ва ахборот тизимларида <b>ахборотни криптографик ҳимоялаш</b> воситаларини жорий қилиш	1. Техник топшириқ ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминот яратиш, харид қилиш ва мавжуд тизимлар билан интеграция қилиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш. 3. Маълумотлар узатиш тармоқларида ахборотларни криптографик ҳимоялаш воситаларини жорий қилиш. 4. Ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборотларни криптографик ҳимоялаш воситаларини жорий қилиш.	2021 йил декабрь 2022 йил апрель 2022 йил июнь 2022 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Киберхавфсизлик маркази ДУК, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>III. Тергов департаменти ва ҳудудий тергов бўлинмалари фаолиятига рақамли технологияларини кенг жорий этиш</b>				
<b>3.1. Рақамли инфратузилмани ривожлантириш</b>				
24.	Ички ишлар органларининг ҳудудий тергов бўлинмаларини <b>300 та компьютер жамланмалари (принтер, UPS)</b> ва <b>200 та ноутбук</b> билан таъминлаш.	1. Зарур техника воситалари ўрнатилган тартибда харид қилиш ва тақсимлаш.	2022 йил май	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	Ички ишлар органларининг барча ҳудудий тергов бўлинмаларида <b>сўроқ қилиш жараёнининг стенографик ёзиб олиниши, видеокузатув, шунингдек, тергов ҳаракатларини аудио ва видеоқайд этиш тизимлари</b> билан жиҳозланган махсус тергов хоналарини ташкил этиш.	2. Ҳудудий тергов бўлинмаларида махсус хоналарни ташкил этиш бўйича мавжуд имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, моддий техник воситалар, алоқа тизимлари ва қурилиш-таъмирлаш ҳисоб-китоблар юзасидан техник топшириқларини ишлаб чиқиш.	2022 йил июль	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
3. Махсус тергов хоналарини ташкил этиш учун қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши зарур бўлган ҳудудий тергов бўлинмаларида смета харажатларини шакллантириш.		2022 йил август		
4. Махсус тергов хоналарини тўлиқ фойдаланишга топшириш ва амалга оширилган ишлар юзасидан кўргазмали ахборот тайёрлаш.		2023 йил март		
<b>3.2. Ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини жорий этиш ва мавжуд тизимларни модернизация қилиш</b>				
25.	Ички ишлар органларининг барча тергов бўлинмаларига <b>процессуал ҳаракатларни автоматик равишда тасвирга олиш</b> имконини берувчи “Е-Тергов” махсус дастурини босқичма-босқич жорий қилиш.	1. Ҳудудий тергов бўлинмаларида жиноят ишлари бўйича процессуал ҳаракатлар ёзиб олинган видеоматериалларни сақлаш имконини берувчи электрон архивларни яратиш.	2022 йил март	Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура
2. Ички ишлар органларининг барча тергов бўлинмаларида “Е-Tergov” махсус дастурини жорий этиш ишларини яқунлаш.		2022 йил июль		
26.	“Терговчи” ахборот дастурий-таъминотини ишлаб чиқиш ва ички ишлар органларида жорий этиш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
2. Тизимни яратиш юзасидан ташкилий-техник ишларни амалга ошириш.		2022 йил май		
3. Тизимни синов тариқасида вазирлик ҳузуридаги Тергов департаменти ва Тошкент шаҳар тергов бўлинмаларида ишга тушириш.		2022 йил июль		
<b>IV. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятига рақамли технологияларини кенг жорий этиш</b>				
<b>4.1. Рақамли инфратузилмани ривожлантириш</b>				
27.	Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг	1. Мобил планшетларни харид қилиш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	(агрегат рақамларини текшириш хизматлари) ҳудудий бўлинмаларини 70 дона мобил планшет билан таъминлаш.	2. Мобил планшетлар ёрдамида “Автомотранспорт ҳисоби” ахборот тизими орқали агрегат рақамларини текшириш имкониятини жорий этиш.		ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
28.	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бўлинмаларида телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш.	Телекоммуникация хизматлари учун тузилган мавжуд шартномаларни хатловдан ўтказиш, шунингдек, барча ҳудудий бўлинмаларини оптик толали алоқа линиясига улаш орқали корпоратив тармоқ тезлигини ошириш (камида 50-Мб/с).	2022 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
29.	Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳудудий бўлинмалари учун 150 та компьютер жамланмалари ва 200 дона мобил планшет билан таъминлаш.	Рақамли воситалар ва техникаларни харид қилиш.	2021-2022 йиллар мобайнида	Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги
30.	Ягона интерактив давлат хизматлари порталида автотранспорт воситасида таъқиқ мавжудлигини текшириш имкониятини жорий этиш.	1. Ахборот тизимларини интеграция қилиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Техник ишларни яқунлаш ва хизматни жорий этиш.	2021 йил декабрь 2022 йил январь	Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
31.	Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юридик шахслар томонидан янги автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун ишончнома, ариза юбориш ҳамда тўловларни электрон амалга ошириш имкониятини яратиш.	1. Портал орқали юридик шахслар томонидан янги автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун ишончнома, ариза юбориш ҳамда тўловларни электрон амалга ошириш бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
		2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Автомотранспорт ҳисоби” ахборот тизимини интеграция қилиш бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Хизматни Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ишга тушириш.	2022 йил октябрь 2022 йил ноябрь	

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
32.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва ҳудудий бошқармаларида сервер хоналари ва техник таъминотни такомиллаштириш ҳамда сақлаш функциясига эга бўлган маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш.	1. Муҳандислик тадқиқот ишларини ўтказиш.	2022 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги
		2. Хоналарни тайёрлаш, сервер жиҳозлари ва таъминот дастурларини харид қилиш.	2022 йил декабрь	
		3. Монтаж ишларини тугаллаш ва фойдаланишга топшириш.		
33.	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳудудий бўлинмаларида тармоқлараро экран аппарат-дастурий таъминоти ва антивирус дастурий таъминотларини жорий қилиш.	1. Техник топшириқни тасдиқлаш.	2022 йил май	Ички ишлар вазирлиги, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК
		2. Лойиҳани босқичма-босқич жорий қилиш бўйича тармоқ графигини тасдиқлаш.	2022 йил июнь	
		3. Лойиҳа доирасидаги воситаларни харид қилиш ва ўрнатиш.	2022 йил сентябрь	
34.	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида электрон навбат қурилмавий дастурий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш.	1. Техник ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2022 йил август	Ички ишлар вазирлиги
		2. Электрон навбат тизимини босқичма-босқич ўрнатиш бўйича шартнома тузиш.	2022 йил сентябрь	
		3. Электрон навбат тизимини ўрнатиш бўйича тармоқ графигини тасдиқлаш.	2022 йил октябрь	
		4. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ахборот тизимини бўлимларда ишга тушириш.	2022 йил давомида	
<b>4.2. Янги ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини жорий этиш ва мавжуд тизимларни модернизация қилиш</b>				
35.	Амалдаги ахборот тизимларини ягона платформага ўзаро интеграция қилиш орқали Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш.	1. Тасдиқланган техник топшириқ асосида тендер савдоларини ўтказиш.	2022 йил май	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
		2. Ўтказилган тендер савдолари натижасига асосий ва бирламчи қурилмаларни харид қилиш.	2022 йил июнь	
		3. Дастурий таъминотни синов тариқасида босқичма-босқич ишга тушириш.	2022 йил сентябрь	
		4. Тизимни тўлиқ ишга тушириш.	2022 йил декабрь	
36.	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг “Автомобиль транспорт ҳисоби” ахборот тизимини	Техник талабларни шакллантириш ва тасдиқлаш ҳамда тасдиқланган техник талаблар асосида “Автомобиль транспорт ҳисоби” ахборот тизимини такомиллаштириш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	<p>қуйидагиларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш: аризани шакллантириш ва ҳисоб варақалари билан чоп этиш имкониятини жорий этиш; агрегат рақамларини текшириб, электрон тасдиқлаш имкониятини яратиш. электрон тўловларни амалга ошириш ва улар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида кўзатиб бориш; хизмат якунида аризачи томонидан биометрик маълумотлар асосида идентификациялаш ёки электрон имзо орқали тасдиқлаш имкониятини жорий этиш.</p>			
37.	<p><b>“Ўзавтосаноат” АЖ томонидан автомобилотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш</b> тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ихтисослаштирилган савдо корхонаси томонидан бериладиган ҳисоб-маълумотномани (шу жумладан ўрнатилган газ балон тўғрисидаги маълумотлар) идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда автоматик тарзда олиш механизмини йўлга қўйиш.</p>	<p>Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш, ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p>	2022 йил февраль	<p>“Ўзавтосаноат” АЖ, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>
38.	<p>Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан жорий этилиши режалаштирилган Ягона ахборот тизимида махсус савдо ташкилотлари томонидан (ишлаб чиқарувчининг вакили, воситачи дистрибьюторлик) бериладиган ҳисоб-маълумотномаларни электрон юритиш модулини жорий этиш.</p>	<p>Хусусий савдо ташкилотлари (ишлаб чиқарувчининг вакили, дистрибьютор) томонидан бериладиган маълумотномаларни Ягона ахборот тизимида электрон ҳисоб-маълумотномаларни рўйхатдан ўтказиш ва юбориш имкониятларига эга модулни жорий этиш.</p>	2022 йил февраль	<p>Ички ишлар вазирлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
39.	<p>Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ишончномалар, олди-сотди, ҳадя ва мерос маълумотларни жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бириктирган ҳолда ўзаро интеграция қилиш.</p>	<p>1. “Нотариус” ахборот тизимида автотранспорт воситасини бошқариш, тасарруф этиш, олди-сотди, ҳадя ва мерос бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни шакллантиришда фуқаронинг ЖШШИРни бириктиришни жорий этиш.</p> <p>2. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш, ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил апрель</p>	<p>Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги</p>
40.	<p>Тергов органлари ва кредит бюрolari томонидан автотранспорт воситасига таъқиқни электрон тарзда қўйиш ҳамда ечиш амалиётини жорий этиш.</p>	<p>1. Автотранспорт воситасига таъқиқни фақатгина Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг “Автомобиллар ҳисоби” ахборот тизими орқали қўйиш ҳамда ечиш бўйича регламент ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган регламент асосида автотранспорт воситасига таъқиқни “Автомобиллар ҳисоби” ахборот тизими орқали қўйиш ҳамда ечиш амалиётини жорий этиш.</p>	<p>2022 йил январь</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Банклар ассоциацияси, “Кредит ахборот-таҳлилий маркази” кредит бюроси</p>
41.	<p>“Нотариус” ахборот тизимида гаровга қўйилган автотранспорт воситаси (кўчмас мулк) бўйича таъқиқни электрон ҳамкорлик орқали ечиш механизмини йўлга қўйиш.</p>	<p>Гаровга қўйилган автотранспорт воситаси (кўчмас мулк) бўйича таъқиқ тижорат банклари томонидан ечилганда “Нотариус” ахборот тизимида гаров эгасининг маълумотлари асосида электрон ҳамкорлик орқали автоматик ечиш амалиётини жорий этиш .</p>	<p>2022 йил апрель</p>	<p>Адлия вазирлиги, Марказий банк, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>
42.	<p>Автотранспорт воситаларининг картотека маълумотномаларини рақамлаштириш орқали рўйхатга олиш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда экстерриториал тамойили асосида</p>	<p>1. Автотранспорт воситаларига тегишли мавжуд картотека маълумотномаларини рақамлаштириш орқали электрон маълумотлар базасини шакллантириш.</p> <p>2. Шакллантирилган маълумотлар базаси асосида автотранспорт воситаларини рўйхатга</p>	<p>2022 йил март</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги</p>



Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтириш.	олиш хизматини экстерриториал тамойили асосида олиш имкониятини жорий этиш.		
43.	Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш фаолияти билан боғлиқ лицензиялар маълумотлар базаси билан ДЙХХХнинг тегишли ахборот тизимларини интеграция қилиш.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-хизмат) яратиш, ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2022 йил февраль	Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,
44.	Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малака оширгани тўғрисидаги сертификатларнинг электрон реестрини шакллантириш.	1. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малака оширгани тўғрисидаги сертификатларнинг электрон реестрини яратиш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш.	2022 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
		2. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малака оширгани тўғрисидаги сертификатларнинг электрон реестрини ишга тушириш.	2022 йил февраль	
45.	Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун давлат рақами белгисини оширилган тўлов ставкалари бўйича беришни ва ҳисоб-китобларни ўтказишни таъминлайдиган биржанинг дастурий мажмуини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот тизими билан интеграция қилиш.	1. Электрон ҳамкорлик бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги, “Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси” АЖ
		2. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш, ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2022 йил январь	
46.	Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш, алмаштириш ва йўқолганлари ўрнига янгисини бериш хизматларини фақатгина фуқаро аризасига мувофиқ олиш тартибини жорий этиш ҳамда электрон кўринишга ўтказиш.	1. Давлат хизматини кўрсатиш учун ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини такомиллаштириш ҳамда ташкилий-техник тадбирлар белгилаш.	2022 йил август	Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
		2. Қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2022 йил октябрь	

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	Бунда, охириги 12 ойда авторанспорт воситасини хайдаганлик ва хайдовчилик гувоҳномасини олиш учун <b>имтиҳон топширганлигини тасдиқловчи ҳужжатни электрон кўринишга ўтказиш ва қоғоз кўринишда талаб қилиш амалиётини бекор қилиш.</b>			
47.	Йўл-патруль хизмати ходимининг дислокациясининг (бириктирилган ҳудуд) <b>рақамли харитасини яратиш.</b>	1. Рақамли харитани яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш ҳамда ваколатли органлардан экспертизадан ўтказиш. 2. Тасдиқланган техник топшириқ асосида Йўл-патруль хизмати ходимининг дислокациясининг (бириктирилган ҳудуд) рақамли харитасини ишга тушириш.	2022 йил март  2022 йил август	Ички ишлар вазирлиги
48.	Автотранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш, двигатель ўрнатиш ҳамда алмаштириш учун <b>рухсатнома бериш фаолиятини электрон шаклга тўлиқ ўтказиш.</b>	1. Давлат хизматларини кўрсатишнинг бизнес жараёнларини ўрганиш ва оптималлаштириш юзасидан таклифларни шакллантириш. 2. Қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2022 йил май  2022 йил август	Ички ишлар вазирлиги
49.	Чет давлат дипломатик корпус ходимлари ва ишчиларига, чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга хайдовчилик ҳужжатларини бериш, чиқариш давлат хизматини электрон шаклга ўтказиш.	1. Давлат хизматларини кўрсатишнинг бизнес жараёнларини ўрганиш ва оптималлаштириш юзасидан таклифларни шакллантириш. 2. Қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2022 йил май  2022 йил август	Ички ишлар вазирлиги
<b>4.3. Интерактив давлат хизматлари</b>				
50.	Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғурта қилиш бўйича ягона ахборот тизимига суғурта ташкилотлари томонидан расмийлаштирилган <b>суғурта шартномалари тўғрисидаги</b>	1. Тегишли суғурта ташкилотлари ягона ахборот тизимига расмийлаштирилган барча суғурта шартномалари (суғурта полиси), суғурта даъволари тўғрисидаги маъмотларни реал вақт режимида тўлиқ киритилишини таъминлаш.	2021 йил декабрь, кейинчалик доимий	Суғурта тўловларни кафолатлаш жамғармаси, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	<p><b>маъмотларни реал вақт режимида киритилишини таъминлаш</b> ва ушбу маълумотларни “Электрон ҳукумат” платформасига тақдим этиш.</p>	<p>Бунда суғурта ташкилотлари учун ягона ахборот тизимида шахсий кабинетлар яратиш ёки уларнинг ахборот тизимларини ягона ахборот тизим билан интеграция қилиш.</p> <p>2. Мажбурий суғурта бўйича тўлиқ Е-полисга ўтиш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига тегишли ўзгартиришларни киритиш.</p> <p>3. Ягона ахборот тизимини Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ахборот тизимлари ва “Электрон ҳукуматнинг” платформасига интеграция қилиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>4. Электрон ҳамкорлик модулини (веб-сервис) яратиш, ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орақли электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>5. Мазкур ахборот тизимларни тўлиқ, узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш.</p>	<p>2022 йил 1 январдан бошлаб</p> <p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>доимий</p>	<p>Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, тегишли суғурта ташкилотлари, “UZINFOCOM” МЧЖ</p>
51.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи <b>автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказиш</b> амалиётини жорий этиш: автотранспорт воситаси билан боғлиқ битимларни (олди-сотди, алмаштириш, ҳада, мерос) асл нусхасини қоғоз кўринишида сақлаш амалиётини қайта кўриб чиқиш; автотранспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказишда харидор томонидан фақатгина шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (тегишли ҳолларда давлат</p>	<p>1. Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>	<p>2022 йил июль</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш босқичлари	Муддати	Ижрочилар
	рақам белгиси ва қайд этиш гувоҳномасини) тақдим этиш орқали олди-сотди шартномасини реал вақт режимида электрон олишни йўлга қўйиш.			
52.	Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ балон ускуналари ва уларнинг апрессофка муддатлари реестрини шакллантириш ҳамда ускуналарни ўрнатиш билан шуғулланувчи фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда, ушбу реестрга маълумотларни киритиш имкониятини яратиш.	<p>1. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш.</p> <p>2. Реестрни ишга тушириш.</p> <p>3. Реестрдаги маълумотларни реал вақт режимида тўлдириб борилишини таъминлаш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил май</p> <p>доимий</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси</p>
